

Бухоро халқаро анжуманга тайёрланмоқда



10:30 / 20.02.2020 2165

Жорий йилнинг 19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигида «Бухоро – 2020 йил ислом олами маданияти пойтахти» тадбирларига тайёргарлик кўриш мақсадида ЮНЕСКОнинг Таълим, фан ва маданият бўйича Ислом ташкилоти (ISESCO) вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази раҳбари Шоазим Минаваров, Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ISESCO кафедраси ходимлари қатнашди.

Давра суҳбати давомида Бухородаги анжуманга катта тайёргарлик кўриляётганлиги қайд этилди.

Маданият вазири ўринбосари Камола Акилова нуфузли тадбирлар доирасида Ислом дунёси мамлакатлари вакиллари ва юртимиз аҳолиси

учун шарқ ҳунармандлик ва хаттотлик санъати намуналаридан ташкил топган кўргазмалар намойиш этилишини маълум қилди.

Тадбирнинг тантанали очилиш маросимига ISESCO бош директорининг иштирокидан мамнунмиз дейди, Ислom цивилизацияси маркази раҳбари Шоазим Минаваров .

ISESCO бош директори ўринбосари, Маданият йўналиши бошлиғи Рихиати Салих Нажиб Ислom маданияти маркази нафақат динни тарғиб қилувчи, балки динимиз илм-фан, маданият олами эришган ютуқлари бўйича тажриба алмашиш майдони тушунилиши зарурлигини таъкидлади.

ISESCO бош директори маслаҳатчиси Бенарафа Абдел Иллаҳ умри давомида Имом Бухорий мақбарасини зиёрат қилишни орзу қилгани, Бухоро шаҳрига сафари давомида буюк муҳаддис қабрини зиёрат қилиш нияти амалга ошаётганидан бахтли эканини айтди.

Ҳозирда ISESCO вакиллари Бухорода ўтказиладиган анжуманга шаҳарнинг тайёргарлик масаласини ўрганмоқда.

Эслатиб ўтамиз, 2020 йил 14-17 апрель кунлари Бухоро шаҳрида «Бухоро – 2020 ислom олами маданияти пойтахти» тадбирлари бўлиб ўтади.

Манба: muslim.uz

Islom.uz портали таҳририяти